



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев 31 октябрь куни икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганининг 20 йиллиги муносабати билан бир-бирига табрик йўллади.

Давлатимиз раҳбари ўз мактубида қардош Қозоғистон халқини самимий табриклаб, ушбу муҳим ҳужжат умумий тарих, маънавий ва маданий муштараклик билан боғланган мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, қардошлиқ ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаб берганини таъкидлади.

Мактубда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклики янада чуқурлаштириш ва ахил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма декларациянинг имзоланиши ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда янги босқич бўлгани қайд этилган.

Жорий йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида ўтказилаётган маданий-гуманитар ва ишбилармонлик тадбирлари халқларимиз яқинлигининг ёрқин ифодаси бўлмоқда.

Мамлакатларимиз Марказий Осиёда ишонч, очкилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш муҳитини мустаҳкамлаш, тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда қатъий экани мамнуният билан қайд этилган.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев ўз мактубида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг 20 йиллиги

муносабати билан самимий қутлаб, энг эзгу тилакларини билдирди.

Шартнома икки томонлама муносабатларда замонавий йўналишларни белгилаб, уларни ривожлантиришга, халқаро даражадаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшгани, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ишонч ва дўстликка асосланган чинакам стратегик шериклик учун пойдевор бўлгани алоҳида таъкидланган.

Бугунги кунда мамлакатларимиз барҳаёт қадриятлар ва чексиз салоҳиятга таянган ҳолда икки томонлама ҳамкорликни янги даражага олиб чиққани ҳамда минтақада ҳар томонлама шерикликини бирлаштириш учун мустаҳкам асос шакллантириш давом эттириётгани қайд этилган.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигига алоҳида суръат бахш этаётган биргаликдаги фаолиятимиз ва дўстлигимиз халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил давом эттирилишига қатъий ишонч билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Президентлари ушбу муҳим сана муносабати билан халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

ЎзА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 31 октябрь куни қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотлар экспортини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Кейинги икки йилда қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Фермер ва деҳқонларнинг даромадини ошириш мақсадида янгила тизим жорий қилиниб, қўллаб-қувватлаш масалалар ҳал қилиб берилди. Етарли миқдорда маблағ ажратилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар, илмий ишланмалар, айниқса, томчилатиб суғориш технологиясини кенг жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қaratилди.

Исроил давлатининг бу борадаги тажрибаси кўрсатиб ўтилди. У ерда қишлоқ хўжалиги томчилатиб суғоришга мослашгани учун бир километр ҳам коллектор дренаж тармоғи ва шўрланган майдонлар йўқ. Мелiorация тадбирларига умуман харажат қилинмапти.

Ортимизда сувни тежаш технологияларини татбиқ этиш бўйича етарли иш олиб борилмаётгани, бунинг оқибатида 140 минг километр узунликдаги коллектор дренажларга катта маблағ сарф бўлаётгани танқид қилинди.

Сувни тежовчи технологияни қўллаш ҳисобида 50-60 фоиз сувни иқтисод қилиш мумкин. Биргина кўчама эгилувчан қурувлардан фойдаланиш сувни 10-15 фоизга, томчилатиб суғориш эса 35-65 фоизга тежаш имконини беради. Лекин томчилатиб суғориш тизими жуда кам майдонларда жорий этилган, холос, деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, 2019-2021 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермерлар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш кўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги комплексидagi энг асосий масалалардан бири экспортбон мева-сабзавот етиштириш ва уни экспорт қилишдир. Аммо қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбексизиквакхолдинг» компанияси

хўдудлар раҳбарлари билан тизимли иш олиб бормагани оқибатида экспорт прогностини тўлиқ таъминлай олмаслиқ хавфи мавжудлиги қайд этилди.

Шу боис ҳар бир ҳудуд билан экспорт бўйича икки ойлик режани кунма-кун белгилаб, тизимли бажариш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, келгуси йил экспорти учун сабзавот экинларини экиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити эртапишар маҳсулотлар етиштириш имконини беради. Баҳор ойларида хорижий мамлакатларда уларга талаб ортади. Лекин бу имкониятдан унумли фойдаланилмаётгани.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва ташкилотларга Россия, Хитой, Жанубий Корея, Хиндистон, Япония ва бошқа давлатлар бозорига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди.

Яна бир бор айтаман, экспорт давлатимиз сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳар бир вазирлик ва идора экспортни ривожлантириш керак, дея таъкидлади Президентимиз.

Йиғилишда янги ташкил этилган уюшмалар фаолиятига ҳам эътибор қаратилди. Улар ўз йўналишлари бўйича янгиликка интилаётгани, соҳадаги ўрни сезилмаётгани танқид қилинди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ерни ҳақиқий эгасига бериш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уруғчиликни ривожлантириш, минерал ўғитлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги техника паркни янгилаш, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва бошқа йўналишларда долзарб вазифалар белгилаб берилди.

ЎзА

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2018» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ



Санаер ШОТЎЛАНОВ оғлан суради.

ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

30-31 октябрь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 нафар иштирокчи ўз билимини синовдан ўтказди.

— Танлов ташкил этилганига 10 йил тўлди. Тақлиплардан сўнг унинг низомига ўзгариш киритиш керак, деган хулосага келинди. — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Умрбек Бектемиров. — Авваллари иштирокчилар танлов учун лойиҳа тайёрлар, бироқ уларнинг кўп қисми амалиётга татбиқ этилмасди. Шунинг учун ёшларнинг амалий ишларига қараб баҳолаш кўзда тутилди. Яъни, ҳар бир иштирокчи ўз ҳудудидаги ёшлар ҳаётини ўрганади, муаммоларга депутатлар ҳамда партия фаоллари билан ҳамкорликда ечим топади. Бир сўз билан айтганда, депутатларга энг яқин кўмакчи сифатида амалий ишларини фото ва видео шаклида йиғиб боради. Иккинчи шарт учун муҳим китоблар тўпламини ўқиб, ўрганиб чиқиш талаб этилади. Машҳур адибларнинг асарлари, сиёсий адабиётлар ҳамда Президент маърузалари бўйича тузилган саволларга жавоб бериш керак бўлади.

Учинчи шартга кўра, Президентимизнинг маърузалари, турли минбарлардаги нутқларини шарҳлаб бериш сўралади.

Низома қиритилган ўзгаришлар ўз самарасини берди, деб уйлайман. Чунки ҳудудий босқичлар иштирокчилари томонидан 20 мингга яқин йигит-қизлар муаммоси ўрганилди ва уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

— Танлов низоми ўзгариши ва бугунги кун талабига мослаштирилгани ўз самарасини бермоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Акмал Умаралиев. — Бироқ иштирокчилар уни тўлиқ тушуниб етмагани сезилди. Биринчи шарт асосидаги чиқишларда, слайдларда ҳаттоликларга йўл қўйилган. Иккинчи шартда саволларга асосан тўғри жавоб беришди. Уйлашимча, қатнашчилар танлов мақсадини яхши тушуниб олишлари керак. Чунки улар бўлгуси сиёсатчилар сифатида эътироф этилмоқда. Жойлардаги ўрганишларда олинган маълумотлар тўғри ва тўлиқ етказилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Нутқ маданияти, тайёрлаган тақдиротдаги қатта-кичик ҳаттоликларни бартараф қилиш орқали улар ички дунёси, мақсади ҳақида маълумот беради. Демак, мана шу жиҳатларга ҳам эътибор билан ёндашиш талаб этилади.

Танловнинг якуний босқичида ҳар бир шарт қизгин ва кўтаринки руҳда ўтди. Иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан 10 баллик тизимда баҳолаб борилди. Тантанали тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Халқ демократик партияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов республика босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлган йигит-қизларни табриклади. Ёшларнинг бугунги ислохотларда фаол иштирок этиётгани, уларга катта ишонч билдирилаётганини қайд этди. Ушбу жараёнда партияимиз ёшларни ҳамиша қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

Якуний натижага кўра, Тошкент вилоятидан Покиза Хўбўтаева танлов ғолиби, деб эътироф этилди. Иккинчи ўрин самарқандлик Сирожиддин Халиловга насиб этди. Сурхондарёлик Рушана Зарипова учинчи ўринни қўлга киритди. Барча иштирокчиларга партиянинг дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Танлов тафсилоти ва иштирокчилар фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг келгуси сониди танишасиз.

Ўз мухбиримиз.

1 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

ПАРТИЯДОШЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашида партияимиз ташкил топган кунга 27 йил тўлиши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда партия вилоят кенгаши раиси Маждидхон Усмонов ЎзХДПнинг ташкил этилиши билан боғлиқ воқеалар, партиянинг мураккаб йиллардаги фаолияти ҳақида тўхталди. Бугунги вазифалар ҳақида фикр юритди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллик даврида мамлакатимизда ташкил этилган биринчи сиёсий партиядир. ЎзХДПнинг асосий мақсади ижтимоий қўллаб-қувватлашга ва ҳимояга эътиёжманд фуқаролар манфаатларини ифодалашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир, — деди «Нуроний» жамағамаси вилоят бўлимининг раиси, ЎзХДПнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги вакили Хасан Нормуродов. —

Ўтган йиллар давомида партияимиз катта тажриба орттирди, қатор ҳаётий ташаббуслар билан чиқди.

— Бугунги кунда Самарқанд вилояти шаҳар ва туман кенгашларида 116 нафар партияимиздан сайланган депутатлар фаолият олиб бermoқда. Жорий йил давомида улар томонидан идора ва ташкилотларга 560 та депутатлик сўрови юборилиб, асосий қисми ижобий ҳал этилди, — деди вилоят хокими ўринбасари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, ЎзХДП фаоли Ҳамротов Шоддиева. — Биз фидойи депутатларимиз кўпчилигидан фахрланамиз. Аммо ҳозирги ҳаёт ҳар биримиздан янада садоқат билан меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Тадбир сўнггида партияимиз фаоллари ва фахрийлари вилоят кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ X ПЛЕНУМИ

Маълумки, 1 ноябрь Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган сана. Ҳар йили шу муносабат билан партия Марказий Кенгаши ҳамда ҳудудий ташкилотларда тадбирлар ўтказилади.

Бугун пойтахтимиздаги Халқаро савдо марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтади.

Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари иштирок этади.

Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар сарҳисоби, эришилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар танқидий таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар муҳокама этилади.

МУҲИМ МАСАЛАГА МУНОСАБАТ

«ИЛТИМОС»ЛАР ЁКИ ИЛДИЗ ОТГАН ИЛЛАТЛАР ҲАҚИДА

Яқин ўтмишимизда жамият тараққиётига хавфли тўсиқ бўлган бюрократия, порахўрлик, коррупция иллатларининг авж олиб кетишида «илтимос»нинг ҳам маълум ўрни бор...

Давр ўзгарди, замон ўзгарди, муҳит ўзгаряпти, шу жумладан, одамлар ҳам ўзгаряпти. Энди бугунги кун одами ўз кучига, ақлига, билимига, истеъдодига, лаёқатига ишониши, мамлакатни бошқараётган раҳбариятга суяниши ва уларга таянч бўлиши зарур.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Пенсия таъминоти: қонунда чекловчи меъёрлар борлиги ростми?..

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш масалаларида қонунчиликни такомиллаштириш мавзуси атрофлича муҳокама қилинди.



Саҳобиддин АРЗИҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ногирон болаларини парваришлаш билан шугулланаётган оила аъзолари ва яқинларининг ижтимоий манфаатларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ногиронлиги бўлган болаларнинг 98 фоизи ўз ота-онаси қарамоғида тарбияланимоқда. Жойлардаги ўрганишлар давомида уларнинг аксарияти ўзгаларнинг доимий ёрдамига муҳтож эканига гувоҳ бўлди. Бу эса қўшимча имтиёзлар яратиш кераклигини аниқлатади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда 1 гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшга бўлган ногирон болага, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт ёшга доир пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланиши назарда тутилган. Бироқ қонуннинг бошқа бандларида назарда тутилган даврлар умумий иш стажига камиди 7 йил бўлган тақдирда қўшиб ҳисобланиши қайд этилган. Шунингдек, турма ногиронлиги бўлганларни парвариш қилаётган кишилар иш стажига аёллар учун камиди 20 йил, эркеклар учун 25 йил этиб белгиланган. Пенсия таянч миқдорини олиш учун зарур бўлган муддатни тўллашнинг имкони бўлмагани сабабли ёшга доир пенсия тайинланаётганда ҳам қийинчиликлар юзага келмоқда.

Мазкур чекловнинг қўлланилиши ногиронлиги бўлган болаларнинг тарбияси

билан банд аксарият ота-оналарга пенсия тайинлаш имконини истисно этмоқда. Шу сабабли ўзгалар парвариши билан банд бўлгани ҳолда талаб этиладиган минимал иш стажини тўплай олмаётган фуқаролар кўпайиб қийинчиликларга учрамоқда. Агар 1 гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун нафақа миқдори жорий йил биринчи ноябрдан ўртача 400 минг сўмини ташкил этиши ва бу уларнинг эҳтиёжини етарли даражада қопламаётганини ҳам эътиборга олсак, масаланинг долзарб экани аён бўлади.

Ана шу асосларни ҳисобга олиб, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонундан муайян чекловларни истисно этиш, бунинг учун тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Асосий мақсад ўзгалар парваришига муҳтож болаларни тарбиялаётган аёлларга ёшга доир пенсия тайинланаётганда барча билан тенг шароит яратилишидир.

Шунингдек, имконияти чекланган болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу борада Ўзбекистон ногиронлар жамиятлари вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар хусусида сўз юритилди.



Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Тўғри, бугунги кунда ногиронлиги бўлган ҳамда ўзгалар кўмагига муҳтож болаларнинг ҳуқуқлари бир қатор меъёрий ҳужжатлар асосида ҳимояланади. Аммо соҳага оид ягона (махсус) қонуннинг йўқлиги самарадорликка таъсир қилляпти.

Ўзбекистонда, охирги маълумотларга кўра, имконияти



Саҳобиддин АРЗИҚУЛОВ олдига сўраб

«ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

ХОТИН — ҚИЗЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ?

Аёллар, хусусан, қишлоқ жойларда яшаётган опа-сингилларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП ташкилотлари «Аёллар ижтимоий ҳимояси — ижтимоий фаоллик пойдевори» мавзусида амалий тадбирлар ўтказмоқда. Минтакавий партия ташкилотлари томонидан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, ишсиз юрган аёллар учун турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 294 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ҳолидан хабар олинди. 1018 муаммо аниқланиб, 886 таси ечимига кўмак берилди, қолган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, 2000 нафарга яқин хотин-қизни ишга қўйлаштиришга, 706 нафарига ўз бизнесини очиб, томоққада ишлаш, паррандачилик билан шугулланишлари учун кредит олишлари, 643 нафари оилавий тадбиркорлигини бошлашга кўмак берилди. 739 нафар хотин-қиз касаначиликка жалб қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорлик меморандумлари имзоладик. Шу асосда Тошкент, Андижон, Навоий, Наманган, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги чекка ҳудудларида бепул тиббий куриклар ташкил этилиб, 25000 нафардан ортиқ партияимиз электорати вакиллари бепул тиббий куриқдан ўтказилди. Шундан 5011 нафар хотин-қиз ва 1652 нафар болага даволаниш учун йўланмалар берилган.

Хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади билан депутатларимизнинг доимий эътиборида. Хусусан, жорий йил мобайнида 2244 нафар аёлнинг муаммоларини ҳал қилиш учун кўмак берилган. Депутат опа-сингилларимиз томо-

нидан корхона ва ташкилотлар, мутасадди идора раҳбарларига 1075 та депутатлик сўрови юборилган, 502 масала партия гуруҳлари йиғилишларига, 384 масала доимий комиссияларга, 133 та масала сессияларга олиб чиқилган. Натижада хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинган.

Бир сўз билан айтганда, «Аёллар ижтимоий ҳимояси — ижтимоий фаоллик пойдевори» лойиҳаси ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хотин-қизлар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган минглаб аёлларга моддий ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Наманган вилоят кенгашилари томонидан ўтказилган форумларда икки юздан ортиқ хотин-қизларга тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятини йўлга қўйиш учун кўмак берилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарни турар-жой билан таъминлаш масалаларида ҳам ёрдам кўрсатилди.

Улардан айримларининг фикрларига эътибор қаратайлик:

Богдатул НУРУМБЕТОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси:

— Беруний туманида истиқомат қиламан. Бугун қўлида ҳунари бор кишилар учун имкониятлар зинҳар очилди. Айниқса, тикувчилик билан шугулланиб келаётган хотин-қизлар муваффақиятларга эришмоқда. Масалан, маҳалламизда дугонам тикувчилик орқасидан яхши ҳаёт кечирмоқда. Унга ҳавас қилиб, мен ҳам тикувчилик сирларини ўргандим. Аммо тикув машинасини олишга имкониятим йўқ эди.

Туманимиздаги форумда режаларимни айтдим. Улар мени қўллаб-қувватлаб, тикув машина олишга ёрдам берди. Эндilikда ўз устимда ишлаб, яхши чевар бўла олишимга ишонаман.

Фотимахон ШЕРМАТОВА,
Наманган вилояти:

— Ҳаётда кимгадир керак бўлаётган иш учун шуқ қиламан. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши томонидан ўтказилган форумда иштирок этиб, уй-жой олишда амалий ёрдам сўраган эдим. Партия фаоллари мутасадди ташкилотлар билан боғланиб, турар жой олишим учун яқиндан ёрдам берди. Ҳозирда оила аъзоларим билан бахтли ҳаёт кечираялман.

Нуринисо КАРИМОВА,
Жиззах вилояти:

— Зомин тумани «Ём» маҳалласида истиқомат қиламан. Яқинда партия Марказий Кенгаши томонидан хотин-қизлар форуми ўтказилган. Ушбу тадбирда хотин-қизларимиз билан мулоқот бўлди. Турмуш ўртоғим мавсумий ишларда меҳнат қилиб рўзгор тебратди. Уч нафар фарзандимиз бор. Уларни ўқитиш, қийинчиликлари қийинчилик туғилди. Форумда ишсиз юрганлигимни айтиб, улардан ёрдам сўрадим. Туманимиздаги «Мурувват» ногирон аёллар интернат уйига ишга жойлашдим. Ҳозир қорамол сотиб олишга маблағ йиғаяпмиз. Кўмак берганларга миннатдорчилигимни билдираман.

Турсуной ГУЛМАТОВА,
Тошкент вилояти:

— Зангиота тумани «Обод» маҳалласида истиқомат қиламан. Иккинчи гуруҳ ногирониман. 5 оила билан тўрт сотих ҳовлида яшаймиз. Ҳар биримизда 4 нафардан фарзанд бор. Партия фаоллари оиламизнинг ижтимоий аҳолини ўради. Улар шу куннинг ўзида ёрдам берди. Бир йилдан буён сил касалигидан азият чекам. Партия ходимлари дору-дармон

олишимда кўмаклашиб турибди. Туманимиз марказида қўйлашган кўп қаватли уйдан кватирга олиш учун рўйхатга киритишди. Уйли бўлсак, мендан бахтиёр одам бўлмасди.

Жамила ЭРҒАШОВА,
Қашқадарё вилояти:

— Муборак тумани «Истиқлол» маҳалласида истиқомат қиламан. Фарзандим қисматида ногиронлик бор экан. Унинг ёнидан бир қадам ҳам узоққа кетолмайман. Йиллар, кунлар шамолдек тез ўтаётти. Ҳа, дегунча вояга етади, уни ҳаётга тайёрлаш керак. Ҳозир касбга тайёрлаш ўқув курсларига қатнашпти. Оиламиз унинг нафақаси билан кун кечиради. Боз устига, ижарада тураман. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши, депутатлар оилавий шароитини ўрганиб, бошланғич тўловсиз уй олишда амалий ёрдам берди. Энди кўнглим тўқ, ҳар ҳолда бошланам бор. Партиядан миннатдорман.

Ўзбекистон ХДП дастурий мақсад ва голярида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партияимиз ташкилотлари томонидан ўтказилаётган мулоқот ва учрашувлар, форум ва лойиҳалар ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтиришимиз керак. Айниқса, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, намунали оилани шакллантириш, хотин-қизларимизнинг ўзига ишончини мустаҳкамлаш масалаларида алоҳида эътибор беришимиз талаб этилади.

Гулшан АСАДОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
Хотин-қизларнинг
ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш
сектори мудири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Муаммоларни ўрганиш натижасида

9 та депутатлик сўрови
жўнатилган...



Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида танқидий-таҳлилий руҳ яққол сезилиб турди.

Таъкидландики, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида қўмита томонидан 6 қонун лойиҳаси қабул қилинган, биттаси қайтарилган.

Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар, ишламаётган меъёрларни аниқлаш, сабабини топиш ҳамда шу асосда қонунчиликка тегишли ўзгариш киритиш мақсадида режага мувофиқ ўн та назорат-таҳлил, қўмита ешитиш, парламент сўрови ўтказилиши мўлжалланган. Белгиланган 6 назорат-таҳлил тадбирининг бештаси амалга оширилган, биттаси устида иш олиб борилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар болаларни мактабга таълим муассасаларига қамраб олиш долзарб вазифа эканини билдиришди. Маълумотларга кўра, республикамиз бўйича жами 6 095 мактабга таълим муассасаси бўлиб, шулардан 5514 таси давлат, 458 таси нодавлат ҳамда 65 таси давлат-хусусий шерикчилик асосида фаолият юритади. 2 527 963 нафар боғча ёшидаги болалардан 856 270 нафари муассасаларга қамраб олинган. Бу кўрсаткич 33,9 фоизни ташкил этади. Мазкур рақамлар соҳада ҳали кўп ишлар қилиниши кераклигини аниқлатади. Қўмита бу борада ўз олдида зарур чора-тадбирларни белгилаб олганини билдирди.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ишлари чуқур ўрганилди. Бундан ташқари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларининг давлат стандартлари талаблари асосида янги авлод дарсликлари ҳамда ўқув адабиётлари билан таъминланиши масаласи ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.



Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида болалар спортини ривожлантириш ишлари атрофлича таҳлил этилди. Бу борада қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, ижрога йўналтирилганлиги айтилди.

Қўмита аъзолари жойларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз учрашувлар ўтказиш натижасида муаммоларни ўз кўзи билан кўрмоқда. Улар томонидан юборилган 9 депутатлик сўрови ҳам бевоқиф ана шу ўрганишлар, аҳолининг муурожаатлари асосида шакллантирилди. Сўровларнинг барчасига давлат органлари томонидан ижобий жавоблар қайтарилди.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан қўмитага 415 муурожаат келиб тушди. Уларнинг 332 таси тегишли давлат органларига муурожаатларда кўтарилган масалаларни атрофлича ва ҳолисона қўриб чиқиш учун юборилган. 80 нафар муурожаатчи таъинириш берилган, 216 таси эса ижобий ҳал этилган.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўз муҳбиримиз.

МУҲИМ МАСАЛАГА МУНОСАБАТ

«ИЛТИМОС»ЛАР ЁКИ ИЛДИЗ ОТТАН ИЛЛАТЛАР ҲАҚИДА

Инсоният жамияти одамларнинг турли-туман муносабатлари мажмуидан иборат. Ҳар хил муносабатлар орқали ҳар бир одам ўзининг ва жамиятнинг ривожланиши, камол топиши ва энг муҳими, давомийлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Чунки жамиятдаги турли-туман муносабатлар инсонлар ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Инсонлараро муносабатлар буйруқ, дўк, пўпса, талаб, сўров, ўтинч, ялиниш, шикоят, илтимос ва бошқа шу каби кўплаб шакллarda амалга ошади. Бу муносабат шаклларида энг оммабопи ва маданий кўринишдагиси илтимосдир.

Илтимос – маълум бир эҳтиёжни қаноатлантиришга қаратилган, хизмат қиладиган маданий мурожаат туридир. Ҳатто бирор бир ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги туфайли сўраладиган узрхоҳлик, кечирим ҳам илтимос билан айтилса, унинг ихобий натижасига умид қилса бўлади. Оддийгина «кечиринг», «узр» дейилгандан кўра, «Илтимос, узримни қабул қилинг», «Илтимос, мени кечиринг», «Илтимос, мени афв этинг», «Илтимос, бир қоқиқ қонимдан кечинг!», «Илтимос, гуноҳимдан ўтинг!» каби мурожаат шаклларида таъсирчанлиги ўта юқори бўлибгина қолмай, кишининг нақадар маданиятли эканлигини ҳам намоён этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ҳар қандай илтимоснинг қаноатлантирилиши жамиятда кўпчилик рисола этидиган адолат тамойилларига зид келмаслиги лозим. Шу нуқтага назардан қараганда, илтимос ҳам ўз мазмун-моҳияти, характер-хусусиятига кўра адолатли ёки адолатсиз бўлиши мумкин. Илтимосдан нафақат адолат тарафидидаги инсонлар, унинг акси бўлган разолат тарафидидаги инсонлар ҳам ўзларининг гаразли мақсад ва манфаатлари йўлида фойдаланадилар.

Яқин ўтмишимизда жамият тараққиётига хавфли тўсиқ бўлган бюрократия, порахўрлик, коррупция иллатларининг авж олиб кетишида «илтимос»нинг ҳам маълум ўрни бор. Ҳаёт давом этар экан, кимгадир уй керак, кимгадир машина, яна кимга томорқа,

кимгадир санаторийга йўлланма, кимга мебель ва ҳоказо. Бундай эҳтиёжларнинг эса сон-саногини йўқ. Эҳтиёж талаб нарсалар ҳаммага етадиган даражада эмас... Нима қилиш керак? Илтимос... илтимос қилиш керак! Буларнинг ичиди ишга, ўқишга кириш ҳар ким ҳам забот эта олмайдиган илтимослар довоининг энг баланд чўққисига айланди.

Бошқа соҳаларни кўя турайлик-да, ҳар қандай мамлакат тараққиётини таъминлашда энг муҳим ўрин эгаллайдиган таълим тизимида авж олган илтимоснинг таг заминига бирров назар таштайлик. Дейлик, боланизи боғчага бермоқчимиз. Боғча мудираси жой йўқ, дейди. Илож қанча, йўл қидирасиз. Ахир у болангизни бизнинг боғчага беринг, деб сиздан сўраётгани йўқ, аксинча, сиз болани боғчангизга қабул қилинг, деб илтимос қиласиз. Илтимос эса қуруқ бўлмайди... Жой ҳам топилади. Айттайлик, болангизни мактабга бермоқчисиз. Сиз мурожаат қилган мактаб директори ўрин тўлган, дейди. На илож, яна илтимос қиласиз ёки илтимос қилдирасиз. Ўрин табиий топилади. Навбат олий ўқув юрти оstonасига келди... Бу томони оғирроқ. Илтимос қила оладиган одам қидирасиз. Топасиз ҳам.

Илтимоснинг таъсири илтимос қилувчининг мансабига, эл-улус олдидидаги обрў-эътиборига қараб ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Оддий одамнинг илтимоси унчалик катта кучга эга бўлмайди. Мансаб эгаси ёки амалдор шахснинг илтимоси катта кучга эга бўлади. Мана шу тарика бюрократия бўй

қўзган яқин ўтмишимизда илтимосдан адолатсизлик йўлида фойдаланиш авж олди. Оқибатда порахўрлик ва коррупция кучайиб борди. Бу иллатлардан кўз юмилди, уларнинг кенг тус олишига тўсиқ бўладиган куч топилмади. Шундай қилиб, таълим тизимида «илтимос» бюрократия, порахўрлик ва коррупциянинг ажралмас бўлагига айланиб қолди.

Ҳаётда бир инсоннинг фаолияти бошқа инсонларнинг фаолиятлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Олий ўқув юртлирига ўқишга кирган савб билимли, лаёқатсиз, маълум иқтидор ва истеъдодга эга бўлмаган талабалар амал-тақал қилиб ўқишни ҳам битириб олади. Энди улар яна ўша тахлит илтимослар билан ишлаб чиқаришга, жамиятни бошқаришга, таълим тизимига, даволаш муассасаларига ва бошқа жойларга бориб ишга қўлашадилар. Мана шу тарика, илтимосларнинг кучи билан мамлакатда узвб бўлмайдиغان занжир тизими вужудга келди. Охир оқибатда нима бўлди?.. Сифатсиз таълим, билимсиз ўқувчи, лаёқатсиз талаба, жамиятни, мамлакатни, миллат тақдири ва келажагини ўйламайдиган, ўз шахсий манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўядиган худбин, жамият учун яроқсиз кадрлар етиштириш авж олди.

Таълим тизимида ўқишга кириш ва ўқиш даврида илтимос қилиш маиший коррупциянинг ажралмас бир қисми даражасида шаклланди. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига мутлақо тўғри келмайдиган, ҳар қандай ишни амалга оширишга қўрби етадиган «илтимос қилиш» нормал ҳолатга айланди. Олий таълим тизимидаги илтимослар жараёни аби-туриент ўқишга кирган кундан бошланади. Бу илтимослар дарс ўтадиган ўқитувчиларни дарсни ўтиш давридан то семестр тугаб, якуний назоратлар олиб бўлингунча муттасил таъкиб этиб боради. Натижада дарс ўтган ўқитувчилар талабаларнинг билимини нисбатан бўлса ҳам, адолатли, холисона, билимга яраша баҳолай ол-

майдилар. Оқибатда яхши ўқийдиган, интилувчан талабаларнинг билими пастроқ баҳоланади, дарсларга келмайдиган, фанни ёки мавзунини етарли билмайдиган, нўноқ талабаларнинг билими илтимослар таъйиқи остида юқорироқ баҳоланади. Бу ҳолини атрофдагилар, ҳамма қўриб туради, аммо бу борадаги адолатсизлик йиллар давомида шаклланиб, томир отиб кетганлиги туфайли, ҳеч ким унга эътироз билдирмайди. Оқибатда бу иллат яна ҳам чуқурроқ, яна ҳам кенгроқ тус ола борди. Натижа барчага аён...

Таълим тизимида ижтимоий тартибни ўрнатиш, унинг замон билан ҳамнафас тараққиётини таъминлаш, бу тизимдаги бюрократик ва коррупцион ҳолатларга қарши самарали курашни мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Қарорда олий таълим сифатининг ошишига ҳамда олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишига тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар ўринли кўрсатилган. Чунки, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бўғунги кун талабларига жавоб бермаётганлиги алоҳида таъкидланган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низом» ишлаб чиқилиб, бунда асосий эътибор: баҳолаш тизими ва мезонларини узлуқсиз таълим тизимининг босқичларига мувофиқлаштиришга, таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли усулларини,

шу жумладан, муайян фандан дарс берадиган ўқитувчиларнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимни жорий этиш, семестр якуни бўйича академик қардор талабаларнинг қайта топишиши мумкин бўлган фанлар сонини белгилашга ва уларни топишиш мuddатини ўзгартиришга қаратилди. Ушбу қарор ва вазирлик томонидан ишлаб чиқилган талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомнинг амалга татбиқ этилиши билан олий таълим муассасасида дарс ўтадиган ўқитувчи якуний назоратлар қабул қилишдан озоd этилади. Бу билан талаба билимининг нотўғри, ноҳолиси, адолатсиз, номуносиб баҳолалишига олиб келадиган илтимосларнинг илдизига буткул болта уриладиغان бўлди.

Давр ўзгарди, замон ўзгарди, муҳит ўзгарди, шу жумладан одамлар ҳам ўзгарди. Энди бугунги кун одами ўз кучига, ақлига, билимига, истеъдодига, лаёқатига ишониши, мамлакатни бошқараётган раҳбариятга суяниши ва уларга таянч бўлиши зарур.

Жорий ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда, тест жараёнларини ўтказишда адолатли мезон қўлланилди. Бу жараёнда илтимосга ўрин қолдирилмади. Яхши тайёргарлик кўрган, билимли, иқтидорли, истеъдодли ёшлар тестларни ўз кучлари билан ечиб, ўзлари танлаган олий таълим муассасаларига ўқишга кирдилар. Энди уларнинг ҳаётида илтимос тушунчаси кечагидек салбий маъно англатмайди. Энди улар устозларга қарата: «Азиз устозлар, илтимос, бизга илм ўргатинг, илм чўққиларига йўл кўрсатинг, дунё илм-фани асосларини яратган ушбу аллома боболаримиз анъаналарини давом эттирайлик!», демоқдалар.

Фарҳод НАБИЕВ,
СамДУ профессори,
Мардон БОЛТАЕВ, доцент.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР



Замонавий технологиялар самарадорликни оширади

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «General Welders» МЧЖ томонидан «Пайвандлаш ва металлларни кесмида замонавий технологиялар ҳамда пайвандлаш ишлари сифатини ошириш» мавзuida халқаро семинар ўтказилди. Унда МДХ давлатларидан мутахассислар ўз таъризузлари билан иштирок этишди.

«General Welders» МЧЖ «ESAB» Швеция концернининг Ўзбекистондаги ягона расмий дистрибуторидир. Мазкур концерн 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида пайвандлаш ва металл кесиш ишлари технологияларини ишлаб чиқаришда дунёдаги етакчи корхона ҳисобланади.

— Ҳозирда замонавий ва қулай бўлган пайвандлаш дастгоҳларига эҳтиёж катта, — дейди институтнинг материалшунослик ва пайвандлаш лабораторияси катта илмий ходими Нодирбек Турсунов. — «General Welders» МЧЖ томонидан олиб келинган дастгоҳлар ҳам сифатли пайвандлайди, ҳам электр энергия ва ортиқча харажатларни тежайди. Бундан ташқари, алюминийни совуқ пайвандлаш дастгоҳи ҳам келтирилади. Бу ускунанинг афзаллиги шундаки, алюминий жихозлар иш жараёнида дарз кетса, уларни турган жойида пайвандлаб, қайтадан ишла-тиш мумкин бўлади.

Тадбир йўқунда қатор ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Ноила МАРУПОВА

МИННАТДОРЛИК

РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР

Уйимиз ҳовлисида қутилмаганда қоқилиб кетиб йиқилдим. Бошимдан жароҳатланиб, ҳушимдан кетдим. Зудлик билан Шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий марказига олиб боришди. Бу ерда шифокорлар меҳрибонлик кўрсатишди, дастлабки муолажадан кейин ўзимга келдим. Давола-нишни давом эттириш учун ту-ман шифохонасига ётқизилдим.

Яхши-ёмон гап тез тарқалади, деганлари рост экан. Воқеадан хабар топан туман ҳокими Абдуваҳоб Тамикаев, туман Халқ қабулхонаси ходими Юлдуз Мирзаева ва бошқа-лар телефон қилиб, ҳолимдан хабар олишди.

Бу менга катта мадад берди, тез оёққа туришимга сабаб бўлди. Се-винганимдан «Одам билан тирикдир одам, одамсиз не керак олам», деб жар солгим келди. Айниқса, шифохо-на бўлим мудираси Саида Султонова, шифокор Анзират Носирова ва ҳам-шира Дилбар Ориповаларнинг жон-куярлигини қўриб, ич-ичимдан қувон-дим. Бундай парвоналик, меҳрибон-лик кўрсатилмаганда ҳали-бери оёққа туришим амримаҳол эди. Ҳалол ва фидойи шифокорларимиз борлигига шукроналар келтирдим. Мен улардан беҳад миннатдорман.

Роҳатой АСАТУЛЛАЕВА,
пенсияер,
Зангиота тумани,
«Юқори Дархон» маҳалласи.

ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ ҲУДУДЛАРДА ҲАЛ БЎЛАДИ

«Боймурод» овул фуқаролари йиғини Кони-мех туман марказидан 210 километр узокликда, чўл худудидида жойлашган. Аҳоли сони 2889 киши-ни ташкил этади, 628 хонадон бор. Бу худудда одамлар турмуш шароити марказдан анча фарқ қилади. Аҳолининг аксарияти чорва билан шу-гулланади. Ичимлик суви ва табиий газга эҳтиёж катта.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРГА ҲАМ ЕТИБ БОРМОҚДА

Вилоят марказига тушмоқчи бўлган киши бир кунини йўлга сарфлашига тўғри келади. Шу боис давлат хизмат-лари агентлиги Навоий вилоят бошқармасининг янгидан фаолият бошлаган давлат хизматлари маркази «Бойму-род» шохобчасида марказ ходимлари ҳафтаининг икки иш-кунидида аҳолига 70 турдаги давлат хизматларини кўрса-тишни йўлга қўйди.

Дам олиш кўни бўлишига қарамай, Кони-мех туман давлат хизмати маркази ходимлари Фарҳод Бўриев ва Собит Урозбаевлар уйма-уй юриб, фуқаролар муаммо-лари ва мурожаатларини ўргандилар. «Боймурод» ову-лининг 262 хонадонидида бўлган ходимлар турли муаммо ва масалаларга ечим топишга ҳаракат қилдилар.

Бировнинг фарзандига туғилганлик тўғрисидаги гу-воҳнома керак, яна кимдир неварасини боғчага жойлаш-тириш масаласи билан овора, бир фуқаро яқна тартиб-даги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмоқчи ва ҳоказо. Хуллас, аксарият муаммо ва масалаларга ечим топилди. Бир иш кунидида 42 турдаги давлат хизматлари кўрсатил-ди.

Галдаги хонадон Қалдибековлар оиласи. Гулойим Қалдибекова 5 ёшли фарзанди Асел Қалдибековага ту-ғилганлик тўғрисида гувоҳнома ололмай юрган экан. Мазкур масала бўйичи шу куннинг ўзидида туман ФХДё бўлимига мурожаат қилинди. Муаммо ҳал бўлди.

Марказ ходимлари хонадонча-хонадон юриб, фу-қароларга нафақат давлат хизматлари кўрсатдилар, балки уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақса-дида тизимдаги янгиликлар ҳақида ҳам тушунтириш ишларини олиб боришди. Энди фуқаролар солиқдан қарздорлик хусусидаги, судланган ёки судланмаганлик ҳақидаги турли маълумотлар олиш учун аввалгидек турли идоралар эшиклари олдида навбат қутиб овора бўлиб юришмайди. Уларга давлат хизматлари марказ-лари хизмат кўрсатади.

Бекзод СУЛТОНОВ,
Давлат хизматлари агентлиги
Навоий вилояти бошқармаси ходими.

Инвестиция: ҳамкорлик самараси

Сурхондарё вилоятида иқтисо-диётни ривожлантириш ва либе-раллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар янги босқичга кўтарилмоқда. Буни иқ-тисодиётимиз тармоқларининг ин-вестициявий жозибадорлиги ор-тиб, хорижлик ҳамкорлар кўпа-йиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин.

Бойсун туманидаги «Мустақилликнинг 25 йиллиги» газ қонида ҳам россиялик иш-билармонлар ҳамкорлигида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳа қиймати 5 миллиард 800 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган мазкур корхонада йилгига 4 миллиард куб метр газни қайта ишлаш имконияти мав-жуд. Бу ерда, шунингдек, йилгига 289 минг тонна полипропилен, 211 минг тонна поли-тилен ҳамда 293 минг тонна оптингурут иш-лаб чиқариш қувватиға эга бўлган газ-кимё мажмуаларини қуриш ишлари ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Корхона ишга тушган, 2 минг 500 киши иш билан таъмин-ланади.

Бундан ташқари, Сарийосё туманидаги «Шаргун кўми» қонини модернизация қи-лиш эвазига йилгига 900 минг тонна, «Бой-сун Тўда» кўми қонида эса йилгига 450 минг тонна кўми ишлаб чиқариш лойиҳаси амал-га оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2018 йил 19 июлдаги қарорига муво-фиқ тўғридан-тўғри хорижий инвесторларни жалб қилиш ҳисобига Бойсун кўми қонининг марказий ва шарқий қисмида «Бойсун кўми қонини қуриш» инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Бунинг натижасида йилгига 450 минг тонна кўми қазиб олиш имконияти яра-тилади. Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилояти-га ташрифи давомида берган топшириқлари асосида «Ўзбекистон темир йўллари» акция-дорлик жамияти ўз маблага ҳисобидан Бой-

сун кўми қонининг «Жанубий» участкаси-нинг шарқий қисмидан йилгига 50 минг тонна тошкўми қазиб чиқариш лойиҳасини амал-га оширмоқда. Бу ерда ишчи-ҳодимларнинг ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида электр энергия ва сув таъмини-ти ишлари бажарилиди. Қурилиш майдонига керакли асбоб-ускуналар келтирилиб, қон қисмига ўтиш учун 300 метр ерости ишлари амалга оширилди.

Вилоятда йилгига 500 миллиард тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватиға эга 4 та цемент заводи қурилиб, ишга туширилади.

Вилоятда йилгига 500 миллиард тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватиға эга 4 та цемент заводи қурилиб, ишга туширилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Бой-сун тумани тоғли худудда жойлашгани боис, бу ерда шомол кучидан фойдаланиб, арзон ва қулай электр энергия олиш им-конияти мавжуд. Шунинг учун ҳам денгиз сатҳидан 1500-1700 метр баландликдаги Дарбанд қишлоқ худудидида шомол электр станцияси қурилишига киришилмоқда. Уни Туркиянинг «ETKA CO ENERJI A.S» ком-панияси амалга оширади. Кўни кеча вилоят ҳокими Баҳодир Пулатов Туркиянинг маз-кур компания вакили Зулфиқор Устунгар ҳамда Тошкентдаги «Шамс» илмий мар-кази вакили Зафар Шерматовлар билан мулоқот ўтказди. Сўхбатда шомол электр станциясини қуриш ва муқобил электр энергия ишлаб чиқариш учун умумий қий-


мати 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритиш, ша-мол энергияси ускуналари ва жиҳозлари-ни ўрнатиш, лойиҳа ишга тушган, ишлаб чиқарилган электр энергияни ҳозиргидан 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда сотиш билан боғлиқ масалалар келишиб олинди.

Бойсун туманида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа 600 мВт электр энергия иш-лаб чиқариш қувватиға эга бўлиб, уни 2020 йилгача фойдаланишга топириш режалаш-тирилган. Энг муҳими, шомол электр стан-цияси ишга туширилган, Бойсун ва Шеробод туманларидаги истеъмолчиларни муқобил электр энергияси билан узлуқсиз таъмин-лаш имконияти яратилиб, 100 дан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

— Мамлакатингиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 18 апрелдаги «Қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди мазкур лойиҳани амалга ошира-диган сармоядорларга катта қулайликлар яратилган, — дейди Туркиянинг «ETKA CO ENERJI A.S» компанияси вакили Зул-фиқор Устунгар. — Бойсун шомол электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳасида ҳам ана шундай қарор қабул қилинса, ишлари-миз анча жадаллашган бўларди.

— Сурхондарё вилоятини 2019-2030 йил-ларда ривожлантириш концепцияси доираси-да ҳали жуда кўп ишларни амалга ошириши-миз керак, — дейди Инвестициялар бўйичи вилоят бош бошқармаси бошлиғи Рустам Пардаев. — Кўни кеча Тошкентда хорижий ишбилармонлар иштирокида катта тадбир ўтказилди. Ўндан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрган сармоядорларга вилоятда яратилган соғлом муҳит, ерости ва усти бой-ликлари ҳақида кенг маълумотлар берилди. Тадбирдан сўнг бу ерга келиб ишлаш истағида бўлганлар сафи яна анчага кенгайди.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



ТОШКЕНТДА ҚИЛИЧБОЗЛИК БАЙРАМИ БЎЛАДИ

Жорий йил ноябрь ойида пойтахтимиз Тошкентда спортнинг энг қадим турларидан бири бўлган қиличбозлик бўйича нуфузли мусобақалар бўлиб ўтади.

Халқаро қиличбозлик федерацияси қарорига биноан 11 ноябрь кун қиличбозликнинг шлага тури бўйича эркаклар ўртасида «Сателлит» турнири ўтказилади. 17 – 18 ноябрь кунлари эса ўсмир қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича жаҳон кубоги мусобақаларини томоша қилишингиз мумкин. Бу халқаро турнирлар 2020 йил Токиода бўлиб ўтади. 17 – 18 ноябрь кунлари эса ўсмир қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича жаҳон кубоги мусобақаларини томоша қилишингиз мумкин. Бу халқаро турнирлар 2020 йил Токиода бўлиб ўтади. 17 – 18 ноябрь кунлари эса ўсмир қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича жаҳон кубоги мусобақаларини томоша қилишингиз мумкин. Бу халқаро турнирлар 2020 йил Токиода бўлиб ўтади.

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси қиличбозлик спортининг барча муҳлисларини ушбу спорт байрамига таклиф этади.

Мусобақалар Республика бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби залида бўлиб ўтади.

Спорт мактаби манзили: Юнусобод тумани, Қорхона кўчаси, 24а уй.

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК

САНЪАТ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия давлат раҳбарларининг учрашувлари, музокаралари бутун жаҳон аҳлининг эътиборини тортди. Музокаралар дунёнинг қанчадан-қанча оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиб борилди. Мухбиримиз ушбу таъриф доирасида Самарқандда ҳам бўлган Москва шаҳридаги Сергей Образцов номи давлат академик марказий кўғирчоқ театри режиссёри Екатерина ОБРАЗЦОВА билан суҳбатлашди.

— Екатерина Михайловна, серкўш Ўзбекистонга, Шарқ гавҳарига қиёсланаётган қадимий Самарқандга хуш келибсиз. Суҳбатимизни икки мамлакат Президентлари учрашуви-га муносабатингиздан бошласак.

— Аввало, Президент Шавкат Мирзиёев юриётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг кўплаб мамлакатлар, хусусан, қўшни давлатлар билан алоқалари ҳар доимгидан-да, мустаҳкамланаётганини таъкидлашни истардим. Натижада савдо-иқтисодий, маданий алоқалар, ўзаро ҳамкорлик-ка кенг йўл очилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги яқин дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ривожланаётганида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин музокаралари мамлакатларимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилишига, бошланган ишларимизнинг изчил давом эттирилишига, одамлар турмуш фаровонлигининг янада яхшиланишига кўпроқ имкон яратишига шубҳа йўқ. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиги ривожлантиришнинг амалий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилгани қувончли ҳолдир.

Музокараларда маданий-гуманитар алоқаларни, айниқса, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Тошкентда икки мамлакат олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида ўтган «Янги иқтисодиёт учун янги кадрлар» мавзусидаги биринчи

Таълим форуми натижаларидан биз, маданият ахли ҳам чуқур қониқиб хосил қилдик.

— Сергей Образцов номи билан аталувчи давлат академик марказий кўғирчоқ театрини ўзбекистонлик санъат муҳлислари яхши билишади. Демак, бу санъат муассасасининг ташкил топишдан тортиб, бугунги фаолиятигача, ҳамма-ҳаммаси кўпчиликини қизиқтиради...

— Театримизга 1931 йилда асос солинган. Унинг ташкил топишида таниқли санъаткор Сергей Владимирович Образцовнинг хизматлари беқиёс бўлган. Мен ана шу санъаткорнинг набираси эканлигимдан фахрланаман. Бугун театримизнинг Россия санъатида тугган ўрни катта. Мамлакатимизда санъат масканимизни кўғирчоқ ўйнатувчиларнинг йирик маркази сифатида билишади, қадрлашади. Ижодий жамоамиз фақатгина Россия шаҳарларидагина эмас, дунёнинг кўп-лаб мамлакатларида бўлиб, ўз санъатларини намойиш этишади.

Ўзбекистонга театримизнинг ташрифи бундан қирқ йил аввал бўлган экан. Бу гал эса тадбирлар «Катта гастроллар» умумроссия дастури ва Алишер Усмоновнинг «Санъат, фан ва спорт» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тошкент шаҳрида «Катта гастроллар» дастури асосида санъатимизни намойиш қилдик. Ўзбекистонда рус санъатига қизиқиш катта эканлигига амин бўлдим. Бизнинг бу гастроллимиз икки давлат, икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларнинг, яқин дўстликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.



— Тошкентда кўрсатилган томошаларда, одамлар билан мулоқотларда ўзбекистонликларнинг қай бир жиҳати эътиборингизни тортди?

— Бу саволга мен «самимийлик», деб жавоб берган бўлардим. Негаки, қаерда, қайси санъат муассасасида бўлмайлик, одамларда юқори қайфиятни, ўзларига бўлган ишончни, гулгун чехраларида ажиб ғўзалликни сездим. Менимча, одамда самимийлик бўлмаса, ундаги бундай хислатларни англаш қийин. Халқингизнинг меҳмондўстлиги ҳақида кўп эшитганман. Бугун эса улардаги айнан шундай олижаноб фазилатни кўриб-билиб турибман. Қани имкони бўлса, бир умр шундай дилкаш одамлар даврасида қолсам. Очиги, менга Тошкент жуда ҳам ёқди. Унинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Ўзбекистонни бежизга «серкўш ўлка», «Шарқ машаъли», дейишмас экан. «Катта гастроллар» дастури асосида Грозний, Владикавказ, Нальчик, Сургут, Тюмень, Оренбург, Орск, Красноярский каби шаҳарларда, Молдова Республикасида бўлган чоғларимни эсладим. Лекин уларнинг бирортасини сизнинг юртингизга тенглаштира олмадим.

19-24 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўзбекистонлик томошабинларга «Необыкновенный концерт» ва «Кошкин дом» деб номланган спектаклларимизни намойиш қилдик. Шу ўринда бу асарларимиз ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсам. «Необыкновенный концерт» — энг машҳур спектаклимиз ҳисобланади. У театримиз асосчиси С.В.Образцов томонидан яратилган. Ун минг мартадан ортиқ сахна юзини кўрган бу спектакль театрнинг таърифи қорозига айланган, десам янглишмайман. Яна эътиборлиси, бу спектакль Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган. «Кошкин дом» — мусиқали спектакль таниқли ижодкор Самуил Маршак қаламига мансуб.

— Самарқанд ҳақидаги таассуротларингизни ҳам билмоқчи эдик.

— Менга самарқандлик ҳамкасбларим кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар тарихи ҳақида гапириб беришди. Бу латиф шаҳар ҳақида битилган асарлар билан таништиришди. Қадимий шаҳар осори-атикаларини улар билан биргаликда томоша қилдим. Очиги, эртақлар оламига тушиб қолгандек бўлдим. Улугбек, Шердор, Тиллакор мадрасаларига борганимда ниҳоятда ҳайратландим.

Бу шаҳар қалбим тўридан жой олди...

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдурауф САТТОРОВ
суҳбатлашди.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАРДАГИ ҚУЙДАГИ ВАКАНТ
ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Дори воситалари саноат технологияси
кафедраси бўйича:

доцент-1, катта ўқитувчи-1

Ноорганик, физик ва коллоид кимё
кафедраси бўйича:

ассистент-1

Аналитик кимё кафедраси бўйича:

ассистент-1

Токсикологик кимё кафедраси бўйича:

ассистент-1

Органик ва Биологик кимё кафедраси
бўйича:

ассистент-1

Дори воситаларини стандартлаш ва
сифат менеждменти кафедраси:

ассистент-1

Тиллар кафедраси бўйича:

ўқитувчи -1

Ижтимоий фанлар кафедраси бўйича:

ўқитувчи -1

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон
қарорига мувофиқ «Олий таълим муассасаларига
педагог ходимларини танлов асосида ишга қабул
қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари,
шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сон
«Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим
қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги
ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартiriш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори
асосида ўтказилади.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗАЛАР ЭЪЛОН
ЧОП ЭТИЛГАН КУНДАН БОШЛАБ 1 ОЙ ИЧИДА ҚАБУЛ
ҚИЛИНАДИ.

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ОЙБЕК КЎЧАСИ, 45-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0371) 256-37-38, 256-38-50.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҚУЙДАГИ ВАКАНТ
ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ (КОНКУРС)
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. «Араб филологияси» кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
2. «Эрон-афғон филологияси» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин;
3. «Туркий тиллар» кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин;
4. «Япон филологияси» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин;
5. «Корейс филологияси» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин;
6. «Жанубий Осиё тиллари» кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
7. «Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти» кафедраси: доцент — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
8. «Таржиманшунослик» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
9. «Хитой тили ва адабиёти» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
10. «Хитой сиёсати, тарихи ва иқтисодиёти» кафедраси: ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
11. «Инглиз тили» кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
12. «Педагогика ва психология» кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
13. «Корея иқтисодиёти ва сиёсати» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин;
14. «Корея тарихи ва маданияти» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин;
15. «Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар» кафедраси: профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
16. «Ижтимоий фанлар» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин;
17. «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин;
18. «Математика ва ахборот технологиялари» кафедраси: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;
19. «Иқтисодий назарияси» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин.

Хўжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир
ой ичида топширилиши лозим.

ХЎЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан 3x4 ҳажмда);
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари;
4. Белгиланган талабларга қўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информация технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида);
5. Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

МАНЗИЛ:
100060, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ШАҲРИСАБЗ КЎЧАСИ, 25-УЙ.
ТЕЛ: (0371) 233-44-36; 233-02-38.

РЕКЛАМА



QISHLOQQURILISHBANK

AVTOKREDIT



ISTE'MOL KREDITLARI

MIKROQARZ

Tez va qulay!
Ma'lumot uchun:
(+998 71) 150-93-39.

WWW.QQB.UZ

Xizmatlar litsenziyalangan.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Бosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Musliliddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

МАНЗИЛИМIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138. 6421 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:10.

Topshirilgan vaqti — 02:50.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633



Газетанинг алектрон савифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5